2011 йил 14 апрель, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 73 (11.884) | Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорига асосан, давлат солиқ хизмати органларининг 1 чорак фаолияти якунлари сарҳисоб қилиниб, биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлаш мақсадида мазкур йўналишдаги ишларни янада кучайтиришга қаратилди.**

**● Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академиясида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигининг муҳим омилларидандир" мавзуида конференция бўлиб ўтди. Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, Солиқ академияси, Банк-молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат юридик институти ўқитувчилари, талабалар ҳамда тадбиркорлар қатнашди.**

**● Фарғона вилоятида Фуқаролик институтлари тизимида маҳалланинг роли ва ўрнини мустаҳкамлаш, вазифа ва ваколатларини кенгайтириш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди. Семинарда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзолари, «Маҳалла» жамғармаси ҳудудий бўлимлари раислари ва маҳаллий ҳокимликлар вакиллари иштирок этди.**

**● Балиқчи туманининг Чинобод қишлоғида «Чинобод файз плюс» шифохонаси ишга туширилди. Маҳаллий тадбиркор Нодирбек Тўхлибоев ўз маблағи ҳисобидан 22 ўринли стационар ва поликлиникани қуриб, 40 та иш ўрни яратди.**

### ЖАҲОНДА

**● Туркияда кўзи ожизлар ва заиф кўрувчилар ўртасида ўтказилган IV Бутунжаҳон ўйинларида ҳамюртларимиз муносиб иштирок этиб, 2012 йили Лондонда бўладиган XIV Паралимпия ўйинларига дзюдо ва енгил атлетика бўйича йўлланмалар олди. Нуфузли мусобақа ғолиб ва совриндорларини Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон паралимпия ассоциацияси вакиллари, спорт жамоатчилиги, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кутиб олди.**

**● Франциянинг «Moet Hennessy Louis Vuitton» концерни Италиянинг «Bulgari» компаниясини 6 миллиард АҚШ долларига сотиб олди. «Bulgari» мамлакатдаги заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг нуфузли компаниялардан бири саналади.**

**● Исроиллик олимлар наркотик моддалар ва портловчи мосламаларни аниқловчи янги ускуна кашф этди.**

**● Япониянинг «Nissan» автомобилсозлик компаниясида ҳайдовчининг тезликни ошираётгани тўғрисида огоҳлантирувчи махсус қурилма яратилди.**

**● Янги Зеландиянинг Крайстчерч шаҳрида юз берган зилзила оқибатида ҳалок бўлганлар сони бир юз элликка етди, яна икки юздан зиёд киши бедарак йўқолди.**

**● Австралияда тинмай ёғаётган ёмғир мамлакатда сув тошқинини юзага келтирди.**

O'ZBEKISTON 20 МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Тошкентда 13 апрель куни Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси бошланди.**



## ИННОВАЦИЯЛАР — ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатлар билан барқарор ривожланиши истиқлолнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга ошириб келинаётган пухта ўйланган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир. Барча тармоқларни мувозанатли ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ички ва ташқи бозорларда харидоргир импорт ўрнини босадиган ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини мунтазам ошириш имконини бермоқда. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ҳаёт синовидан ўтган, зикр этилган ижобий жараённи рағбатлантирувчи ва жадаллаштирувчи механизмга айланди. «Ўзэкспомарказ»да бошланган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси бунинг амалдаги ифодасидир.

Анъанага айланган ушбу инновациялар ярмаркаси Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда ўтган йиллардаги каби вазирликлар, идоралар, банклар, миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларидаги корхоналар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари, фермер хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари, олий ўқув юртлари, илмий марказлар, тажриба-конструкторлик ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов мамлакатимизда илмий, жумладан инновацион фаолият давлатимиз раҳбарининг доимий қўллаб-қувватлаши самарасида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Бу борада давлат грантлари, шунингдек, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш тизими ташкил этилиб, ундан самарали фойдаланилмоқда. Буларнинг барчаси фундаментал илм-фан ва амалий тадқиқотларни ривожлантиришга қаратилган илмий жараённи шакллантириш имконини бермоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, уларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш мамлакатимизда самарали натижаларга эришиш имконини бераётир. 2009 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етди. Бундай суръатлар жорий йилда ҳам сақланмоқда. Халқаро молия институтларининг фикрича, бу бугунги кунда жаҳон иқтисодиётидаги энг юқори кўрсаткичлардан бўлиб, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ҳамда бутун дунёда ислоҳотларнинг «ўзбек модели» сифатида кенг эътироф этилган тараққиёт йўлининг оқилона ва тўғри эканлигининг ёрқин тасдиғидир. Шуниси эътиборлики, мамлакатимиз бу ютуқларга глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва ундан чиқиш шароитида эришмоқда. Ҳолбуки, дунёнинг аксарият давлатларида бу жараён қийинчилик билан кечмоқда.

Ўзбекистонда илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик бир неча муштарак мақсадларни кўзда тутади. Бозорда рақобат кучайиб бораётгани сабабли хўжалик юритувчилар энг илғор технологияларга эҳтиёж сезмоқда. Бундай технологияларнинг жорий этилиши эса маблағ, хомашё ва бошқа ресурсларни кам сарфлаган ҳолда юқори сифатли ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Технологик янгиликларни яратаётган олимлар ҳам якуний натижа – уларнинг амалда ўзлаштирилишидан манфаатдор.

(Давоми 2-бетда)

## ДЎСТОНА ЁРДАМИНГИЗ УЧУН СИЗДАН МИННАТДОРМИЗ

**Японияда мисли кўрилмаган зилзила юз берганидан буён бир ой ўтди. Табиий офат оқибатида кўплаб одам ҳалок бўлди, 150 мингдан ортиқ киши ҳалигача вақтинчалик яшаш жойларида кун кечирмоқда.**

Ер силкиниши оқибатида цунами юзага келиб, ўз йўлидаги барча нарсани ювиб кетди ва ушбу ҳудудлар аҳолиси ичимлик суви, электр энергияси, озиқ-овқатсиз қолди. Алоқа издан чиқиб, одамлар бир-бирининг тақдиридан бехабар қолди. Ана шундай мураккаб шароитда хорижий мамлакатлар кўрсатган ёрдам бизга катта далда бўлди.

Бир коса иссиқ овқат, кўрпа-тўшак оғир шароитда қолган инсонларнинг дилига малҳам бўлди, вужудига илиқлик бағишлади. Қидирув-қутқарув отрядлари вайронага айланган шаҳарларда катта куч-ғайрат билан одамларни қидириш ва қутқариш ишларини олиб борди. Шифокорлар гуруҳларининг жонбозлиги жабр чекканларнинг қалби ва вужудига малҳам бўлди.

Ҳозир ҳам табиий офатдан азият чекканларга бутун дунёдан далда ва эзгу тилаклар келиб турибди. Биз жаҳондаги барча инсонларга Кидзуна – халқимизга дўстона муносабати ва кўрсатган ёрдами учун чуқур миннатдорлик билдирамиз. Бизга ёрдам қўлини чўзган барча мамлакатлар ва минтақалар аҳолисига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Японияда тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Биз барча кучларни сафарбар этган ҳолда "Фукусима-1" атом электр станциясидаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган ишларни давом эттирмоқдамиз. Япония албатта оёққа туради, тикланади, янада кучлироқ давлатга айланади. Биз халқимизнинг салоҳияти ва халқаро ҳамжамиятнинг ёрдами билан бунга албатта эришамиз. Бизга ёрдам кўрсатган дунёдаги барча одамларга миннатдорлигимизни билдирамиз.

Бу йўлда халқимиз янада бирдам ва ҳамжиҳат бўлиб, бутун кучини мамлакатимизни тиклашга сафарбар этади.

Барчага яна бир бор самимий миннатдорлик ва қатъий ишонч туйғулари билан чин юракдан ташаккуримни изҳор этаман.

**Наото КАН,**
**Япония Бош вазири**

## ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА ТАЪЛИМ

**Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида глобал экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Экоҳаракат ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, олимлар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар, журналистлар иштирок этди.**

– Ўқувчиларнинг экологияга оид билимини бойитиш, ёшларда табиатга меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириш миллий таълим тизимимизнинг муҳим бўғинидир, – дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 28-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Саида Низомова. – Ижтимоий ва табиий фанларни ўқитишда бу масалага алоҳида эътибор қаратяпмиз. Мактабимизда "Экология ва инсон саломатлиги", "Қизиқарли кимё" сингари тўгараклар фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори С.Турғунов, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари С.Сангинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда экологик таълимни ривожлантириш борасида изчил ишларнинг амалга оширилаётгани ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Экологик таълимнинг илғор педагогика ва ахборот технологиялари асосида, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган фанлар билан уйғун ҳолда олиб борилиши ўқувчи-ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бу жараёнда таълимнинг барча бўғинлари, жумладан, мактабларда ижтимоий ва табиий фанлар мазмунига экологиянинг долзарб масалалари ва уларнинг ечимларини татбиқ этиш, мактабдан ташқари таълим муассасаларида тегишли тўгараклар ташкил этиш ҳамда уларга ёшларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Анжуманда ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, узлуксиз экологик таълимни йўлга қўйиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, экологик таълимнинг ҳуқуқий асослари, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ёшларда экологик дунёқарашни шакллантиришда таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган «Ички бозорни сифатли ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот билан таъминлашда тадбиркорлик субъектларининг роли» мавзусида конференция ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласида тиббиёт бирлашмаси ташаббуси билан «Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови» мавзусида давра суҳбати ташкил этилади.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида иш берувчилар ҳамда турли вазирликлар вакиллари иштирокида меҳнат ярмаркаси уюштирилмоқда.

